

Отелло дунёга келиб нима хам кўрди-я!
(Паттачининг афсуси)

Режиссеер Остонакулов анчадан бери «Отелло» спектаклини сахналаштиришни орзу килиб юрарди. Охири рахбарият айтди-ки: «Пулдор хомий топсанг, сахнага кўявер. Истасанг «Отелло»ни кўй, истасанг «Уйда чакса уни йўк, том бошида кўш тандир»ни кўй», дейишди. Остонакул бировга «ака», деб борди, бошқасининг эшигини «тога» деб коқди. Охири хомийлар топилди. Томошани сахнага кўйишга етадиган пул топилгандай бўлди. Бундан кувонганича ишни бошлаб юборди. Биринчи галда энг истеъдодли актерларни танлаб, ролларни бўлиб берди. Дастлабки машқлар бошлаганида хомийлардан бири телефон килиб колди: -Дездемона ролига бир кизимиз бор, ўшани ўйнатасиз,-деди.

Режиссеер Остонакулов Холсизова деган артист аёлни эшитмаган экан, хомийнинг ўзи мушкулини осон килди:

-Гўшт бозорига бориб, паттачи Юмалабтортаровни топасиз, у сизни Холсизовага рўпара килади.

Режиссер ноилож янги Дездемонасини кўргани борди. Аввал паттачини топди. Паттачи эса Холсизовани. Унгача паттачи «киз»ни таърифлаб берди. Паттачи «киз» деб таърифлаган Холсизова унча қари эмас, пенсияга чикканига хали беш йил тўлмабди. «Ёшлик - бевошлик» деганлари тўғри экан, ўттиз беш йил аввал шу паттачи билан пича дон олишиб кўйган экан, «ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур» деганларидек, ўша мухаббат кунларининг хурматидан паттачи акаси бир мархамат кўрсатадиган бўлибди-да! Табиийки, Холсизова режиссерга ёкмади. Юмалабтортаровга Дездемонанинг ёши, ташки кўриниши кандай бўлишини тушунтирмоқчи эди, паттачи гапни калта килиб кўя колди:

-Агар шу киз Дездемона бўлмаса, пул хам бўлмади!

Ўша кеча Остонакул ухламай чикди. Эрталаб эса Дездемона ролига тайёрланаётган кизга рухсат бериб, Холсизовани чақирди. Икки кундан кейин иккинчи хомий кўнгирок килиб, Отелло ролига аммасининг ўғлини тавсия килди. Остонакулов ўша кунийек уни кўриб:

-Бўлмади, оксар экан-деди.

-Бўлади,-деди Хомий,-Отелло урушда яраланиб, чўлокланиб колган, дейсиз, шунга хам аклингиз етмайдими?

-Кўзлари хам сал... гилайроқ экан...

-Кўзига урушда ўк теккан...

Хуллас олтмишдан ошган гўзал Дездемонага чўлок ва гилай Отелло насиб этди.

Учинчи хомийнинг хам Отелло ва Дездемона ролига даъвоси бор экан, аммо аввалроқ хурматли акахонлари банд этгани учун унча савдолашиб ўтирмай, Яго ролини талаб килди. Талаб килганда хам бировни тавсия этмай, ўзи ўйнайдиган бўлди. «Дўст бор, душман бор, бизни хам бир сахнада кўриб кўйишсан». Яго боякишнинг бўйи бир ярим, эни, коринга кўшиб хисоблаганда, икки кулоч келарди. Уни кўрган одам юряптими ё юмалаяптими аниклаши махол эди. Бу хомийни Отелло билан Дездемона багоят хурмат

килишаркан, бирга ўйнашга рози бўлдилар. Тўртинчи хомий Кассиони талаб килди. Унинг жияни соков бўлгани билан театрни яхши кўраркан. Хуллас, бошқалар имо-ишора билан гаплашадиган бўлишди.

Роллар шу тарика таксимланиб, иш бошланганида асосий Бош хомий йўқлаб колди:

-Шекспирингиз кимлигини билмайман-у, аммо ёзганини менга айтиб беришувди унга койил колмадим. Хаётни билмас экан. Битта рўмолча деб хотинни бўгадими? Каранг, бозор тўла рўмолча. Шу битта рўмолчани деб одамларни икки соат лакиллашиб ушлаб ўтирмокчимисиз? Йўк, мен бунака бекорчи томошага пул бермайман,-деди у.

-Рўмолча ёкмаётган бўлса... Дездемона нимани йўкотади?-деди режиссер ажабланиб.

-Масалан... агар Дездемонангиз културний чувиха бўлса, сотка телефонини йўкотсин. Шунда Отелло бола пакир «Рўмолча!» деб лалаймайди. «Сотка! Сотка телефон кани?» деса хамма ишонади. Минг долларли соткани йўкотган хотинни бўгса, арзийди. Хотини ўйнаши билан соткада гаплашаётганда шартта босиши керак, энг яхшиси шу, укам!

Ночор Остонакулов бунга хам кўнди.

Хомийлар санъатсевар халк экан, яна кўп зарурий ўзгартишлар киритилди. Шекспирнинг номи бошқачарок бўлди: Шекс Пиров, Отелло - Отаулла, Дездемона - Дили Рабо, Яго - Яхёга айланди. «Отелло - крутой йигит» деган хулосага келган Бош хомийнинг талаби билан Отелло Дездемонани ўлдириш учун ёлланма котил ёллайдиган бўлди.

Иш шу ерга келганда ўша ёлланган котилни ўйнайдиган актер топилмай турибди.

Актёрку бор-а... унга хомий йўк. Ие, ана, хомий хам топилди. У айтган актер хам таклиф килинди. Ана халос, мерганни ўйнайдиган бу одамнинг икки кўзи ожиз экан-ку? Ха, майли, бу хам муаммо эмас, милтикни бир кўзни юмиб отадими, ё иккаласиними - фарксиз, барибир милтикнинг ўки йўк-ку?